

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/28.02.2022.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Джабборов Исроил Исмоилович

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Джабборов Исроил Исмоилович

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат хизматларини
такомиллаштириш 3

Джабборов Исроил Исмоилович

Совершенствование государственных услуг в условиях модернизации
экономики..... 27

Djabborov Isroil Ismoilovich

Improvement of public services in the conditions of modernization
of economy 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/28.02.2022.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Джабборов Исроил Исмоилович

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt907 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sies.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холиқулов Анвар Неъматович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мухаммедов Мурод Мухаммедович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исроилов Баходир Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.02.2022.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-34-76; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
и.ф.д., профессор

Ш.О.Кувандиков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
и.ф.д., доцент

М.М.Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, аҳоли ва тадбиркорлик тузилмаларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишда давлат хизматларининг аҳамияти ошиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда давлат хизматларини кўрсатиш сифатини оширишда интернет технологияларидан фойдаланиш, ахборотни ҳимоя қилишни таъминлаш ва давлат тузилмаларида қоғоз ишларини камайтириш асосида электрон ҳукуматни ривожлантириш асосий мақсад этиб белгиланган. Хусусан, Жанубий Кореяда электрон ҳукуматни яратиш стратегияси ва сиёсати бўйича бир қатор вазифалар амалга оширилиши натижасида давлат хизматида янги авлод тармоғини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан 1,5 млрд. АҚШ доллари сарфлаган.¹ Шу йўл билан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш борасида вақт, маблағ тежамкорлиги ва энг муҳими ижтимоий адолат принципларини таъминлаш имкониятлари яратилади.

Жаҳонда давлат хизматлари соҳасини ривожлантириш ва ижтимоий самарадорлигини ошириш борасида аҳоли ва тадбиркорларга янги хизмат турларини кўрсатишга оид ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, соҳада самарадорликни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш масалалари тадқиқ этилмоқда. Давлат хизматларини кўрсатишнинг самарали йўналишлари, тамойиллари ва таснифларини ишлаб чиқиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш тартиботлари, босқичлари ва алгоритмининг такомиллаштириш, хизматларни диверсификациялаш ва рақамлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш асосида халқ билан мулоқот қилиш технологияларини қулайлаштириш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини бошқариш устувор тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг самарали тизимини жорий этиш, уларнинг Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қуйи бўғинлари билан тезкор алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали ҳаракатини босқичма-босқич ривожлантириш каби йўналишларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”², “...биз бу хизматни нима учун ташкил қилдик? Адолат бузилмаслиги, коррупция бўлмаслиги, одамлар қийналмаслиги учун. Энг катта ютуғимиз – бундай идораларда энди фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади”³. Бу вазифаларни ҳал этишда давлат хизматларини кўрсатиш

¹ <https://digital.report/e-government-v-respublike-koreya-etapyi-poleznyiy-opyit-dlya-uspeshnogo-vnedreniya-v-belarusi/>

² <http://www.pv.uz/uz/newspapers>

³ <https://xs.uz/uzkr/post/khalqqa-yaqin-khizmatlar>

ва уни муттасил такомиллаштириб бориш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ-3430-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3701-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 январдаги 70-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат хизматларининг шаклланиш ва ривожланиш муаммолари ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича Ф.Ардан, Н.Муррей, Ф.Розенбаучер, С.Обара, Н.Эндон, Т.Юмотолар⁴ тадқиқотлар олиб борганлар. Шунингдек, МДХ мамлакатлари олимларидан Б.Н.Габричидзе, Г.В.Атаманчук, Д.Н.Бахрах, В.Д.Граждан, В.М.Манохин, Б.М.Лазарев, Д.М.Овсеенко, К.Б.Балдин, М.А.Быховский, В.Б.Булгак, Е.А.Голубицкая, Л.П.Гончаренко, Г.М.Жигульская, Л.Е.Варакин, Н.П.Резникова Ю.Н.Старилов⁵, Р.Х.Алимов, А.Н.Арипов, Б.А.Бегалов, О.Т.Хусанов, Т.К.Иминов, Н.А.Иминова, Қ.Ж.Мирзаев, М.Қ.Пардаев, М.М.Муҳаммедов, Б.Ш.Мирбобоев,

⁴Муаллифларнинг илмий ишлари тадқиқот ишининг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

⁵Муаллифларнинг илмий ишлари тадқиқот ишининг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган. Буларнинг айримлари: Балдин К.Б. Управление рисками в инновационное-инвестиционной деятельности предприятия. – М.: ИТК «Дашков и К», 2009. – 420 с.; К.В.Балдин, С.Н.Воробьев, В.Б.Уткин Управленческие решения. 7е изд. – М.: ИТК «Дашков и К», 2012 – 496 с.; Булгак В.Б., Варакин Л.Е., Крупно А.Е. Основы управления связью Российской Федерации. – М.: Радио и связь, 2005. – 184 с.; Быховский М.А. Развитие телекоммуникаций. На пути к информационному обществу. История телеграфа, телефона и радио до начала XX века. – М.: Либроком, 2010. – 344 с.; Голубицкая Е.А. Кухаренко Е.Г. Основы маркетинга и телекоммуникациях. – М.: Радио и связь, 2005. – 320 с.; Гончаренко Л.П. Инновационный менеджмент. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрат, 2014, - 640 с.; Жигульская Г.М., Авдашева С.Б., Голубицкая Е.А. Российский телекоммуникации: условия и перспективы развития конкуренции. Бюро экономического анализа. – М.: ТЕИС, 2003. – 216 с.; Резникова Н.П. Маркетинг в телекоммуникациях. – М.: эко-Тренз, 2002. – 336 с. Хожиев Э.Т., Исмоилова Г.С., Рахимова М.А. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма. – Т., Академия, 2015., Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-том. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 331-бет.

Р.Ф.Равшанов, Н.Ш.Саид-Газиева, Э.Т.Хожиев, У.Тожихонов, Р.Хайдаров, Н.Н.Шамшиевалар⁶ илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан давлат хизматларини кўрсатишнинг асосий йўналишларини, тамойилларини ва таснифларини ишлаб чиқиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш тартиботлари, босқичлари ва алгоритмини такомиллаштириш, давлат хизматларини кўрсатишни диверсификациялаш, рақамлаштириш ҳамда рақамли хизматлардан фойдаланишнинг илмий ва амалий кўрсатмалари жорий этилган.

Шу билан бирга давлат хизматларини кўрсатишнинг асосий йўналишлари, тамойилларини ва таснифларини ишлаб чиқиш, диверсификациялаш, рақамлаштириш ҳамда рақамли хизматлардан фойдаланган ҳолда халқ билан мулоқот қилиш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацияни жорий қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат хизматларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда давлат хизматининг шаклланиши, ривожланиши ҳамда давлат хизматини ислоҳ этишнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

давлат хизматига нисбатан мавжуд бўлган илмий-назарий ва амалий ёндашувларни таҳлил қилиш;

давлат хизматининг асосий принципларини ва такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш;

давлат хизмати бўйича мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва давлат хизматининг иқтисодиётнинг ривожланишига оид таклифларни асослаш;

давлат хизматларини такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш йўллари асослаш;

⁶Алимов Р.Х. Информационные системы и технологии в национальной экономике. – Т.: Шарқ, 2004. – 72 с.; Иминов Т.К., Арипов А.Н. Задачи менеджмента сектора информационно-коммуникационных технологий Узбекистана. Монография. – Т.: Fanvatexnologiya, 2005. – 299 с.; Бегелов Б.А. Информационно-коммуникационные технологии в эффективной организации статистической деятельности в условиях формирования инновационной экономики. – Т.: Fanvatexnologiya, 2013, - 36 с.; Иминова Н.А. Управление экономическими рисками в сфере связи и информатизации. Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – Т.: ТАТУ. 2011. – 188 с.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М., Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т: «IQTISOD-MOLIYA», 2014. – 384 б.; Муҳаммедов М.М.Шамшиева Н.Н. Эффективность стратегии маркетинга компаний на рынке телекоммуникационных услуг. Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – Т.: ТДИУ. 2008. – 160 с.; Саид-Газиева Н.Ш. Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари. Юридик фанлари доктори илмий даражасининг олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010. Саид-Газиева Н.Ш. Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари. Юридик фанлари доктори илмий даражасининг олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010.

мамлакатимизда давлат хизматини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида давлат хизматлари кўрсатувчи Давлат хизматлари марказлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, иқтисодийни модернизациялаш шароитида давлат хизматларини такомиллаштириш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида абстракт-мантиқий таҳлил, индукция ва дедукция, социологик сўров, қиёслаш, монографик кузатув, статистик ва иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳолининг Давлат хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини Давлат хизматлари марказлари филиалларини босқичма-босқич маҳаллаларда ташкил этиш орқали хизматларга кетадиган вақт билан боғлиқ трансакция харажатларини камайтириш такомиллаштирилган;

Давлат хизматлари марказлари хизматлар таркиби фуқароларнинг пенсия таъминоти, пенсия ва нафақалар миқдори, яшаш майдони, уй-жойга эгаллиги тўғрисидаги маълумотномаларни бериш каби янги давлат хизматларини жорий этиш асосида кенгайтирилган;

давлат хизматларини кўрсатиш сифатини баҳолашда “Инсон кадрини юксалтириш” мезонидан келиб чиқиб, Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматларни такомиллаштириш бўйича ижтимоий йўналтирилган комплекс тадбирлар дастури ишлаб чиқилган;

янги турдаги онлайн электрон хизматлар уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аҳолининг турли ижтимоий эҳтиёжларининг қамров даражасини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ҳисобига такомиллаштирилган, бир-бирини такрорлайдиган хизматларни унификация қилиш ва уларни реестрга қўшиш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар «Инсон кадрини юксалтириш» мезонини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичларни «Йўл харитаси»га киритган ҳолда такомиллаштирилган;

давлат хизматлари марказлари фаолиятини кенгайтириш мақсадида хизматлар кўрсатиш ваколатига эга бўлган ташкилотлардаги 693 турдаги хизматларни жамлаган ягона реестрга 21 турдаги хизматлар қўшилиб диверсификация қилинган;

давлат хизматининг асосий принциплари, инновацион ва рақамли иқтисодийга мос ҳолда такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий маълумотлардан, жумладан Давлат хизматлари агентлиги расмий маълумотларидан фойдаланилгани ҳамда таклиф ва хулосаларнинг амалда синовдан ўтгани, амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида давлат хизматларини такомиллаштиришда, давлат хизматларини қонун ҳужжатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда, мазкур хизматларнинг илмий-назарий масалаларини ўрганишда қўллашнинг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлат хизматларини ислоҳ этишда ягона стандартларни ўрнатишда, олий ўқув юртларида «Давлат хизматлари» мутахассислиги бўйича янги йўналиш очишда ҳамда бошқа йўналишдаги талабалар учун «Давлат хизматлари» ва «Давлат ҳокимияти вакиллик органлари» каби фанларни фан сифатида ўқитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат хизматлари марказлари фаолияти самарадорлигини оширишга оид тавсиялар асосида:

аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида киритилган (Давлат хизматлари агентлигининг 2019 йил 12 сентябрдаги 1-7-2/1-499-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллаларда давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш ҳамда маҳаллаларда давлат хизматлари марказлари филиалларини ташкил этиш имконини берган;

Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар таркибини кенгайтириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан жорий этилган (Давлат хизматлари агентлигининг 2019 йил 12 сентябрдаги 1-7-2/1-499-сон маълумотномаси). Натижада жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларидан фойдаланишда қўшимча янги қулайликларни яратиш имконини берган;

давлат хизматларини кўрсатишни маҳаллабай ёндашуви асосида ривожлантиришга йўналтирилган «Йўл харитаси» бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг 3-иловасига киритилган (Давлат хизматлари агентлигининг 2019 йил 12 сентябрдаги 1-7-2/1-499-сон маълумотномаси). Натижада давлат хизматларини ривожлантиришга қаратилган миллий методологик асослари ва ёндашувларини такомиллаштиришга ҳамда аҳолининг хизматлардан фойдаланиш сарф-харажатларини 1,5 баробарга камайишига олиб келган.

давлат хизматлари марказлари фаолиятини кенгайтириш ва давлат хизматларини кўрсатиш ваколатига эга бўлган ташкилотларда кўрсатиладиган хизматларни сифат жиҳатдан тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат

хизматлари агентлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Давлат хизматлари агентлигининг 2019 йил 12 сентябрдаги 1-7-2/1-499-сон маълумотномаси). Натижада амалдаги 693 турдаги хизматларни жамлаган ягона реестрга қўшимча янги 21 турдаги хизматларни киритиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижасида олинган хулосалар ва илмий натижалар юзасидан халқаро ва республика конференцияларда 21 та маъруза қилинган, жумладан, 5 таси халқаро, 16 таси республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан 6 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги, илмий ва амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги, олинган натижа-ларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Давлат хизмати**» институтининг **илмий-назарий асослари** деб номланган биринчи бобида, “Давлат хизмати” тушунчаси, мазмун-моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикасида “давлат хизмати” институтининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини ривожланиш босқичлари очиб берилган.

Давлат хизматларининг моҳиятини очиб беришда энг аввало, унинг ижтимоий ва иқтисодий мақсадларидан келиб чиқилган. Давлат хизматининг ижтимоий мақсадлари юқори аҳамиятга эга бўлиб, бунда ижтимоий ва маданий компонентларнинг ўзаро алоқаси муҳим роль ўйнайди. Давлат хизмати орқали давлат ижтимоий ресурсларини яратишни, жамоатчилик тизимининг барқарорлиги, яхлитлиги ва мувозанатини таъминлайди, ижтимоий беқарорликни пасайтиради, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини

қондириш орқали турмуш даражаси ва сифатини яхшилаиди. Ушбу мақсадларни амалга оширишда давлат хизматининг – демография, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим, фан, маданият ва бошқа соҳалари муҳим роль ўйнайди. Шулар асосида давлат хизматининг иқтисодий мақсадлари давлат томонидан иқтисодиётни самарали тартибга солиш, давлат мулкани бошқариш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат аппаратининг харажатларини камайтиришга йўналтирилганлиги илмий жихатдан асослантилди.

Давлат хизматларини кўрсатиш мақсадларидан келиб чиқиб, ҳамда «давлат хизмати», «давлат хизматчиси» тушунчасига оид республикамиз ва хорижий олимлар томонидан илгари сурилган илмий-назарий ёндашувлар асосида давлат хизмати тушунчасининг такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. **Давлат хизмати деганда, аҳолига кўрсатиладиган давлат хизматлари билан боғлиқ муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимини ўз ичига оладиган ижтимоий институт орқали кўрсатиладиган хизматлар тизими тушунилади.**

Давлат хизмати таснифи бўйича тадқиқотлар кўрсатдики, мамлакатимиз олимлари томонидан илгари сурилган фикрларда давлат хизматчиларининг турлари ва уларни таснифлаш юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмас экан. Бундай хилма-хилликка сабаб биринчидан, ушбу соҳанинг ижтимоий ҳаётимизга яқинда кириб келганлиги бўлса, иккинчидан бу соҳада ҳали тадқиқотлар деярли олиб бормаганлигидир. Бу эса давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида мамлакатда кечаётган ислохотлар бундан кейин янада янги мазмун ва йўналишларда давом этиши, бунда бугунги кунда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлардан кўзланган мақсад замонавий талабларга мос келадиган давлат хизматлари тизимини шакллантириш, шунга мос бўлган давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштириш, пировардида давлатнинг жамият манфаатларига кўпроқ хизмат қилишига эришиши лозимлиги муаллифлик ёндашувида талқин этилган.

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш натижасида мамлакатимизда 2019 йил 1 сентябрь ҳолатига 79 та (ва бундан ташқари 200 дан ортиқ ҳокимликлар) ваколатли органлар томонидан 693 та кўрсатилаётган хизматларни кўриш мумкин. Аммо бугунги кунда мазкур соҳада етарли тажриба шаклланмаганлиги натижасида Ягона реестрда бир-бирини такрорлаётган ёки бир хил ваколатдаги вазифалар бўйича икки ёки ундан ортиқ давлат идоралари томонидан хизматлар кўрсатилаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Буларни қуйидаги рўйхатлардан ҳам кўриш мумкин. Масалан:

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Хавфли юкларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига рухсатнома бериш» хизмати кўрсатилади.

II. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан эса, «Хавфли юкларнинг транзитига хулоса бериш» хизмати амалга оширилади.

III. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳам «Хавфли юкларнинг транзитига хулоса бериш» ваколатига эга⁷. Кўриниб турибдики, битта бир хил хизматни учта ташкилот кўрсатмоқда. Бизнинг фикримизча мазкур ваколатни битта идорага қолдириш мақсадга мувофиқ. Фақат зарур ҳолларда иккинчисидан хулоса олиш мумкин бўлади.

Кўриниб турибдики, битта масала билан иккита давлат органи ёки иккита давлат органига битта хизматларни кўрсатиш юклатилган. Ушбу ҳолат вазирлик ва идоралар томонидан кўрсатилаётган хизматларни такрорласа, турли чалкашликларга олиб келади. Худди шундай ҳолатлар бошқа вазирлик ва қўмиталарда ҳам учрайди.

Булардан кўриниб турибдики, давлат хизматларини кўрсатиш тизими ҳали маълум ислохотларга муҳтож. Ушбу соҳани янада либераллаштириш мақсадида давлат хизмати кўрсатаётган идоралар бўйича умумий статистик маълумотлар келтирилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш натижасида мамлакатимизда ваколатли органлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар рўйхати

Т/р	Идора ва хўжалик бирлашмалари номи	Кўрсатилаётган хизматлар сони, та	Ҳиссаси
1.	Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси	17	2,5
2.	ҳуқуқ-тартибот органлари	64	9,2
3.	Марказий банк ва тижорат банклари	28	4,0
4.	Вазирликлар	184	26,6
5.	Қўмиталар	108	15,6
6.	Агентликлар	120	17,3
7.	Марказлар	22	3,2
8.	Инспекциялар	90	13
9.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари	28	4,0
10.	ва бошқалар	32	4,6
ЖАМИ		693	100

Бунда энг катта ҳисса 26,6 фоиз (184 та) вазирликларга, 15,6 фоиз (108 та) қўмиталарга, 17,3 фоиз (120 та) агентликларга тўғри келмоқда. Бундан кўриниб турибдики 59,5 фоиз хизматлар Республика идоралари зиммасида. Энг кам ҳисса эса 2,5 фоиз (17 та) Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тўғри келмоқда. Атиги 4,0 фоиз (28 та) хизматларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари кўрсатади. Бизнинг таклифи-миз бўйича Давлат хизматлари марказлари ҳиссаси янада ортиб боради.

⁷ <https://www.minjust.uz/uz/activity/state-services/89863/>

Дастлаб энг муҳим ишлардан бири Давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантиришдан иборат бўлиб, ушбу тадбир амалга оширилган. Эндиги вазифа, уларнинг бажарилишини амалиётда қўллаш бўлмоқда. Буни амалга ошириш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш тавсия этилган.

Биринчидан, барча мутасаддилар томонидан шакллантирилган реестр асосида мавжуд хизматларни тўлиқ кўриб чиқиш ва такроран бир нечта ташкилотларга юклатилган хизматларни бекор қилиш;

Иккинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчил такомиллаштириш мақсадида «Электрон ҳукумат» тизимини кенг жорий этиш ва барча давлат хизматлари мавжуд бўлган юқори ташкилотларни Давлат хизматлари марказлари билан электрон ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

Учинчидан, Давлат хизматлари марказлари томонидан «Давлат хизматлари»ни ва «Давлат хизматини кўрсатиш натижасини берувчи ваколатли органлар» рўйхатини қайта кўриб чиқиб, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, шакллантириш ҳамда ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида ўрта муддатли «Йўл харита»ни ишлаб чиқиш тавсия этилган.

Хулоса қилиб айтганда, давлат хизматларининг турлари ва уларни амалга ошириш мутасаддиларнинг (идораларнинг) аниқ бўлиши ушбу соҳадаги ишларнинг тизимли равишда амалга оширилишини, уларни мониторинг қилиб борилишини, пировардида, давлат хизматлари самарадорлигини таъминлаш имкониятларини яратади.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Давлат хизматларининг аҳамияти ва уларни ўрганишнинг назарий масалалари»** қараб чиқилган бўлиб, Давлат хизматлари тизими таҳлил қилинган. Мазкур бобда иқтисодийни модернизациялаштириш шароитида давлат хизматларини такомиллаштиришдан кўзланган мақсадларнинг мазмун-моҳияти, жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда фуқароларга яратилаётган иқтисодий муҳитни яхшилаш, Давлат хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг айрим долзарб масалалари бўйича фикр юритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5278-сонли Фармонида биноан Ўзбекистонда давлат хизматлари кўрсатишнинг мутлақо янги ташкилий асослари жорий этилди, давлат ва аҳоли ўзаро ҳамкорлигининг замонавий концепциясига пойдевор қўйилди. Пировард мақсад давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» деган тамойилни жорий этишлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, интернет ва мобиль технологияларнинг фаол жорий этилиши хизматдан фойдаланувчилар давлат органларига зарур ҳолларда боришлари, одатий ҳолларда эса хизматлар масофадан электрон тартибда амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Давлат хизматларини кўрсатувчи органлар ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматини кўрсатишга доир тор идоравий манфаатни ифодаловчи,

турли сунъий бюрократик тўсиқ ва ғовларни йўлга қўювчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз кучини йўқотмоқда. Шу орқали, Давлат хизматлари марказларининг давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишга доир ваколатини амалда қўллаш ҳамда мамлакатимизда давлат хизматларини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо ушбу йўналишда ҳали жуда кўп муаммолар мавжудлиги ва уларни бартараф қилиш учун хорижий тажрибаларни чуқур ўрганиб, улардан ўзимизга мос жиҳатларини жорий қилиш лозимлиги асосланган. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатдики, мамлакатимизда ушбу соҳани янада такомиллаштириш ҳаётий заруриятдир.

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва янги замонавий хизматлар жорий этиш мақсадида АҚШ, Россия Федерацияси, Япония, Жанубий Корея, Канада, Австралия, Грузия, Озарбайжон, Эстония ва Қозоғистон давлатлари тажрибалари қараб чиқилган. Жумладан: Қозоғистонда давлат хизматлари соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Айни кунда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган Давлат хизматлари 12 та йўналишда жами 204 тани ташкил этади. (2-жадвал).

2-жадвал

Қозоғистонда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган мавжуд давлат хизматлари статистикаси⁸

Т/р	Йўналиш номи	Хизматлар сони	Ҳиссаси фоизда
1.	Оила	32	15,7
2.	Тиббиёт	7	3,4
3.	Таълим	16	8,8
4.	Меҳнат ва бандлик	12	5,9
5.	Ижтимоий таъминот	14	6,9
6.	Фуқаролик ва миграция	9	4,4
7.	Кўчмас мулк	30	14,7
8.	Солиқ ва молия	19	9,3
9.	Ҳуқуқий ёрдам	24	11,8
10.	Транспорт ва алоқа	35	17,2
11.	Туризм ва спорт	5	2,5
12.	Ҳарбий ҳисоб ва хавфсизлик	1	0,5
ЖАМИ		204	100

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқландики, бизга қўшни бўлган Қозоғистон Республикасида ҳозирги кунда жисмоний ва юридик шахсларга 204 та давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Бунда энг катта салмоқни 17,2 % транспорт ва алоқа хизматларига тўғри келмоқда. Энг паст улуши, яъни 0,5 %ни ҳарбий ҳисоб ва хавфсизлик хизматлари эгалламоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган давлат хизматларини янада такомиллаштириш, мазкур соҳада кенг қамровли «йўл хариталари»ни

⁸ <https://egov.kz/cms/ru/news>

ишлаб чиқиб, аҳолига янада осон ва содда хизматларни жорий этиш мақсадида аниқ тадбирларни белгилаш тавсия қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра, ривожланаётган давлатлар, шу жумладан Қозоғистондаги амалий тажриба ва мамлакатимиздаги мавжуд шароитни инобатга олган ҳолда Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сонини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида қуйидаги йўналишларда янги хизматларни ташкил этиш лозимлиги асосланди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистонда 2020-2022 йилларда давлат хизматлари марказларида тавсия этилган янги давлат хизматлари соҳалар кесимидаги йўналишлари

Т/р	Йўналиш ва соҳалар номи	Кўрсатилаётган хизматлар сони	Ҳиссаси фоизда
1.	Оила	11	19,6
2.	Тиббиёт	4	7,1
3.	Таълим	3	5,4
4.	Меҳнат ва бандлик	6	10,7
5.	Ижтимоий таъминот	8	14,3
6.	Фуқаролик ва миграция	10	17,9
7.	Кўчмас мулк	3	5,4
8.	Ҳуқуқий ёрдам	4	7,1
9.	Транспорт ва алоқа	3	5,4
10.	Туризм ва спорт	3	5,4
11.	Ҳарбий ҳисоб ва хавфсизлик	1	1,8
ЖАМИ		56	100

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда 2020-2021 йиллар давомида янги жорий этилиши тавсия этилган давлат хизматлари 11 та йўналиш бўйича 56 тани ташкил этади. Бунда энг асосий улушни 19,6 фоиз оилага кўрсатиладиган хизматлар ташкил қилади. 17,9 фоиз хизматлар фуқаролик ва миграция хизматларига, 14,3 фоизи ижтимоий таъминот хизматларига тўғри келади. Энг паст кўрсаткич эса 1,8 фоиз ҳарбий ҳисоб ва хавфсизлик хизмати эгаллайди. Ушбу таклифлар инобатга олинса яқин келажакда мамлакатимизда ҳам давлат хизматлари сони ошиб, ривожланган давлатлар даражасига етади.

Ўзбекистонда Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сонини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида қуйидаги йўналишларда янги хизматларни ташкил этиш таклифининг мақсадга мувофиқлиги асосланди. Жумладан:

1. «Фуқаронинг пенсия таъминоти тизимида рўйхатдан ўтказиш»,
2. «Манзил ва маълумотномаларни тақдим этиш»,
3. «Яшаш майдони ҳақида маълумотнома олиш»,
4. «Уй-жойи бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумотнома олиш»,

5. «Пенсия ёки нафақа олувчилар рўйхатида борлиги тўғрисида гувоҳнома олиш»,

6. «Пенсия ёки нафақа олувчилар рўйхатида йўқлиги тўғрисида гувоҳнома олиш»,

7. «Пенсия ва нафақалар миқдори тўғрисида маълумотнома олиш» Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиш йўлга қўйилган.

Мазкур таклифларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا ўз аксини топган ва амалиётга жорий этилган (Давлат хизматлари агентлигининг 2019 йил 12 сентябрдаги 1-7-2/1-499-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф жисмоний ва юридик шахсларга, умуман аҳолига Давлат хизматлари марказларидан фойдаланишда янада қулайликлар яратиш имконини берган.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва усуллари жорий этиш**»га бағишланган бўлиб, ушбу бобда Давлат хизматларини ягона реестрини шакллантириш, ушбу соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида хорижий тажриба ва унинг аҳамияти ҳамда Давлат хизматларини кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида аҳолига электрон давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлари қараб чиқилган.

Маҳаллаларда Давлат хизматлари марказлари филиали ва ДХМ бурчаги (стенд)ни ташкил этиш жисмоний ва юридик шахсларга Давлат хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш имконини беради. Бу эса фуқароларнинг кундалик ҳаётда зарур дастлабки давлат хизматларини ўз яшаш маҳаллаларидан ва қолган давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотларни маҳалла марказларида ташкил этилган филиаллардан олишлари учун имконият яратилади.

Шу ёндошувлардан келиб чиқиб, филиалларда фуқаролар учун бугунги кунда мавжуд хизматлар тўғрисида, яъни нечта хизмат йўлга қўйилган, кўрсатилаётган хизматлар рўйхати, пулли хизматлар, хизмат турларининг тўлов миқдорлари ва ҳоқоза ҳақида маълумотларни жойлаштириб, Давлат хизматлари марказларида жисмоний ва юридик шахсларнинг келишларини камайтириш, уларнинг вақти ва оилавий бюджетини тежаш имконини берувчи таклифлар ишлаб чиқилган. Бунинг амалий натижаси эса фуқаролар Давлат хизматлари марказларига келишдан олдин, ўзлари учун зарур бўлган дастлабки хизмат турларидан фойдаланиш ва давлат хизматлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши булса, иккинчидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва марказ ходимларидаги иш жараёнининг қанчалик катта эканлиги билан асослантирилган.

Давлат хизматлари марказлари орқали 2017 йил 1 апрелига қадар фақат тадбиркорлик субъектларига 37 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса,

бугунги кунда ушбу хизматлар сони 130 тага етган⁹. Давлат хизматлари турларининг кўпайиши уларнинг сонининг ошишига ҳам катта таъсир қилди. Давлат хизматлари марказлари орқали 2017 йилда фақат тадбиркорлик субъектларига 120 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, (2019 йилда 11,3 млн., 2020 йилда 8,2 млн.) 2018-2021 йил давомида фуқароларга ва тадбиркорларга кўрсатилган давлат хизматлари сони 34,7 млн. тани¹⁰ ташкил этган. Булардан кўришиб турибдики, қанча одамларнинг идорама-идора юришларини олдини олиш эвазига вақти ва маблағи тежалганлигидан далолат беради. Яна бир жиҳат, шу даврда туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказларининг ходимлари сони ўртача 4 нафардан 18 нафаргача кўтарилди.

Бу «ягона дарча» марказлари фаолият кўрсатган даврда фақат тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизматлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган. 2018 йил 1 апрелидан бошлаб, ушбу марказлар аҳолига ҳам хизматлар кўрсата бошлади. Бу ерда иш кўлами қарийб ўн баробарга ошган бир паллада штатлар сони атиги 4,5 баробарга ошган. Давлат хизматлари марказлари ташкил қилинган бир кунда ўртача 20-30 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 500-1000 нафарни ташкил этмоқда. Бугунги кунда марказларнинг ҳар бир ходими кунига ўртача 30 тадан 70 тагача хизмат кўрсатмоқда.

Давлат хизматларини такомиллаштиришда албатта бу соҳанинг самарадорлигини аниқлаш ўта долзарб масалалардан ҳисобланади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект сифатида ушбу соҳа ҳам маълум самарадорлик билан ишлаши лозим. Бунинг учун самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш уларга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг таъсирини аниқлаш лозимдир.

Самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш учун, уларнинг натижавий кўрсаткичларини ҳам аниқлашни алоҳида ўрганишга тўғри келади. Чунки натижа кўрсаткичлари юқори бўлсагина самарадорлик ҳам юқори бўлади. Аммо давлат хизматлари марказларида кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини аниқлашда бир қанча муаммоларга дуч келинмоқда. Чунки, соҳада кўпгина кўрсаткичлар ҳисоботларда акс эттирилмайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида соҳанинг самарадорлигини аниқлашда бир қанча мураккабликларни туғдиради.

Булардан келиб чиқиб, давлат хизматлари соҳасида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларини ва уларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқилди. Бундай ёндашувга кўра, натижавий кўрсаткичлардан бири сифатида давлат хизматларини кўрсатиш орқали аҳолининг тежаб қолинган маблағини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлиги инобатга олинди.

Ҳозирги кунда маҳаллаларда давлат хизматларини кўрсатиш таклиф қилинмоқда. Бунинг натижасида Республикамиз аҳолиси умумий харажатлар миқдори тежалишига сабаб бўлади. Демак умумий харажатлар ҳажми энг

⁹ <https://davxizmat.uz/uz/reports/2019-yilda-amalga-oshirilgan-ishlar-tahlili>

¹⁰ <https://davxizmat.uz/uz/reports/2019-yilda-amalga-oshirilgan-ishlar-tahlili>

асосий натижавий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаган.

Давлат хизматларидан фойдаланиш учун сарфланган умумий харажатлар самарадорлигини ифодалаш учун аҳолининг давлат хизматларига мурожаатларидан тежалган маблағи асос бўлиб хизмат қилиши, одатда самарадорлик масаласи таҳлил қилинганда, хўжалик юритувчи субъектлар нуқтаи назаридан қаралади.

Давлат хизматларига баҳо беришда уларнинг аҳолига қандай қулайликлар туғдирганлиги, уларнинг қанча вақти ҳамда маблағини тежаш имкони яратилганлигига эътибор қаратилади. Бунинг учун биринчи галда харажатларнинг умумий миқдори (Y_x) аниқланади. Бу қуйидагилардан иборат:

- вилоятимиздаги умумий оилаларнинг сони (O_c);
- ҳар бир оиланинг ўртача давлат хизматларидан фойдаланганлик учун сарф қилган харажатлари миқдори (X_{ax}). Шу иккала омилнинг кўпайтмаси аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишга сарф қилган харажатларининг умумий ҳажмини беради¹¹. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Y_x = O_c * X_{ax}; \quad (1)$$

Ушбу иккита омил билан боғлиқ кўрсаткичнинг фарқи ва натижага ҳар бир омилнинг таъсирини иқтисодий таҳлилнинг қайта ҳисоблаш усулини қўллаб аниқлаш мумкин.

Аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишга сарф қилган харажатларининг умумий ҳажми ўзгаришига (ΔY_x) вилоятдаги умумий оилалар сонининг таъсирини аниқлаш учун ($\Delta Y_{x,O_c}$) натижанинг қайта ҳисобланган миқдоридан ($O_c^x * X_{ax}^p$) унинг режадаги миқдори ($O_c^p * X_{ax}^p$) айрилади.

$$\Delta Y_{x,O_c} = (O_c^x * X_{ax}^p) - (O_c^p * X_{ax}^p); \quad (2)$$

Таҳлил қилинаётган аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишга сарф қилган харажатларининг умумий ҳажми ўзгаришига ($\Delta Y_{x,X_{ax}}$) иккинчи омил, яъни ҳар бир оиланинг ўртача давлат хизматларидан фойдаланганлик учун сарф қилган харажатлари миқдорининг таъсирини аниқлаш учун натижанинг ҳақиқий миқдоридан ($O_c^x * X_{ax}^x$) унинг қайта ҳисобланган миқдори айрилади. Бунини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Y_{x,X_{ax}} = (O_c^x * X_{ax}^x) - (O_c^x * X_{ax}^p); \quad (3)$$

Шу иккита омил таъсири натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенг.

$$\Delta Y_x = \Delta Y_{x,O_c} \pm \Delta Y_{x,X_{ax}}; \quad (4)$$

¹¹ Аҳолидан социологик сўров натижасида олинади.

Тавсия қилинган омилли таҳлил натижасидан аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишга сарф қилган харажатлари умумий ҳажмининг қанчалик тежалганлиги ёки ортиқча сарф қилинганлиги аниқланиб олинади ва омиллarning таъсирига қараб, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишга сарф қилган харажатлари умумий ҳажмининг ўзгаришига булардан ташқари яна бир қанча омиллар таъсир қилиши аниқланди. Буларни инобатга олиб ушбу кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқдик. Бундай омиллар таркибига қуйидагилар кириши аниқланди:

- вилоятимиздаги умумий оилаларнинг сони (O_c)¹²;
- ҳар бир оиланинг бир йилда ўртача неча марта давлат хизматларидан фойдаланиш сони (Φ_c);
- ҳар бир қилинган мурожаатдан тежаладиган маблағ (T_m);
- шу таҳлил қилинаётган даврда пулнинг қадрсизланиш даражаси (P_k).

Ушбу омиллarning натижа кўрсаткичи билан боғлиқлигини қуйидаги формула билан ҳисоблашни тавсия қиламиз:

$$Y_x = O_c * \Phi_c * T_m * P_k; \quad (5)$$

Бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида таҳлилнинг асосий вазифаси ҳар бир таъсир қилувчи омиллarning, қайси соҳа бўлишидан қатъий назар, натижа ўзгаришига таъсирини аниқлашдан иборат. Бунинг учун, энг аввало, уларнинг фарқи аниқланади:

$$\Delta Y_x = (O_c^x * \Phi_c^x * T_m^x * P_k^x) - (O_c^p * \Phi_c^p * T_m^p * P_k^p); \quad (6)$$

Аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишга сарф қилган харажатлари умумий ҳажмининг ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{x, O_c} = (O_c^x * \Phi_c^p * T_m^p * P_k^p) - (O_c^p * \Phi_c^p * T_m^p * P_k^p); \quad (7)$$

Иккинчи омилнинг таъсирини қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta Y_{x, \Phi_c} = (O_c^x * \Phi_c^x * T_m^p * P_k^p) - (O_c^x * \Phi_c^p * T_m^p * P_k^p); \quad (8)$$

Учинчи омилнинг таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\Delta Y_{x, T_m} = (O_c^x * \Phi_c^x * T_m^x * P_k^p) - (O_c^x * \Phi_c^x * T_m^p * P_k^p); \quad (9)$$

Тўртинчи омилнинг таъсири қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Delta Y_{x, P_k} = (O_c^x * \Phi_c^x * T_m^x * P_k^x) - (O_c^x * \Phi_c^x * T_m^x * P_k^p); \quad (10)$$

¹² Давлат хизматлари бевосида ўша ҳудуддаги оилаларга хизмат қилишга қаратилганлиги учун ушбу омил ҳар қандай вазиятда сақланиб қолади. Аммо харажатлар бир қанча омиллarga боғлиқлиги учун уларни деталлари бўйича олишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фаркига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta Y_x = \Delta Y_{x.Oc} \pm \Delta Y_{x.Фс} \pm \Delta Y_{x.Тм} \pm \Delta Y_{x.Пк}; \quad (11)$$

